

---

## ОЛТИАРИҚ ТУМАНИ ЗИЛОЛ МФЙДАГИ ДАШТ КЎЧАСИНИНГ АҲОЛИСИ ЎЗ ТОМОРҚАСИДА ИССИҚХОНАЛАР ТАШКИЛ ЭТГАН БЎЛИБ, ЯХШИ ДАРОМАД ТОПМОҚДА

Бир пайтлар бу чекка жой дашт, сув йўқ ҳудуд бўлган. Айти кунларда одамларнинг меҳнати билан даромад манбаи топилиб, 160 та хонадон тўрт мавсумда бодринг, помидор етиштириш билан шуғулланмоқда. Томчилатиб суғоришнинг йўлга қўйилгани катта самара бермоқда.

Бугунги кунда маҳаллада 3 та узумчилик, иссиқхона етиштириш кооперацияси фаолият кўрсатмоқда.

Вилоят ҳокими Хайрулло Бозоров вилоят секторлари раҳбарлари билан биргаликда бу ердаги хонадонларда бўлди, уларнинг кундалик юмушлари билан танишди.

Сайфиддин Маҳибуллаев миграциядан қайтиб, ўз томорқасида 30 млн. сўм кредит олиб, 2 та иссиқхона ташкил қилган. Баҳорги мавсумда бодрингдан 60 млн. сўм даромад олди, айти кунларда иссиқхонасида помидор етиштирилмоқда. Ундан камида 80 млн. сўм фойда олишни кўзлаяпти. Вилоят раҳбари унинг иссиқхонасини кўздан кечириб, ишнинг кўзини билганга томорқа катта даромад манбаи эканлигини билдирди.

Ахроржон Ибрагимов 9 сотих жойда иссиқхона қуриб, бодринг, помидордан икки марта ҳосил олмоқда. Ўртача даромади 120 млн. сўм. Шу билан биргаликда узум етиштирамоқда.

Сухроб Рустамов эса 30 сотих жойда иссиқхона ташкил қилган бўлиб, 15 нафар маҳалла ёшлари иш билан банд. Айти кунларда иссиқхонада помидор етиштирилиб, ички бозор билан биргаликда қўшни давлатларга экспорт қилиняпти. Унинг айтишича бу ердан 200 млн. сўм даромад олади.

Вилоят ҳокими маҳалладаги бу тажрибани оммалаштириш, ҳар бир оилани даромадли қилиш учун иссиқхоналарни кўпайтириш бўйича туман секторлари раҳбарларига топшириқлар берди.

[Бизни ижтимоий тармоқларда кузатинг Facebook, Telegram, Facebook, YouTube, Instagram](#)

2024-09-19 19:51:03